O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 11 январь, № 7 (3552) Сешанба

Халқ. Демократия. Сайловлар

## ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТДИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарорларига мувофиқ, шу йил 9 январь куни мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 58 та ва маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи 946 та сайлов округида такрорий овоз бериш ўтказилди. Ушбу муҳим сиёсий тадбир — такрорий овоз беришни ташкил этиш ва ўтказишга тегишли сайлов округлари ва участкаларида пухта ҳозирлик кўрилди. Бу такрорий овоз беришнинг юксак савияда, сайлов тўғрисидаги қонунлар талаблари доирасида ўтишини таъминлади.***



Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 6 округда такрорий овоз бериш бўлиб ўтди.

2004 йил 26 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловда 5-Қўйлиқ сайлов округидан тўрт нафар депутатликка номзоднинг бирортаси ҳам сайланиш учун етарли овоз ололмаганди. Сайловчилар бу гал энг кўп овоз тўплаган икки нафар номзоддан ўзлари мақбул деб топганлари учун такрорий овоз беришда қатнашдилар.

— Сайлов участкаларида такрорий овоз беришни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий-техникавий масалалар аниқ ва белгиланган муддатларда амалга оширилди, — деди округ сайлов комиссияси раиси Мирқосим Мирёқубов ЎзА мухбирига. — Номзодларга тенглик ва қонунчиликда белгиланган тартиб-қоида асосида сайловолди ташвиқоти учун зарур шарт-шароит яратилди. Жойларда номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ташкил этилди.

301-сайлов участкаси эрталабдан гавжум бўлди. Тоза, ёруғ, ораста жиҳозланган бинога бирин-кетин кириб келаётган сайловчиларнинг кайфияти кўтаринки. Белгиланган жойда номзодларнинг кузатувчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари овоз бериш жараёнини синчковлик билан кузатиб турибдилар.

— Участкамиз "Сирғали-2" мавзесидаги "Иттифоқ" маҳалласининг бир минг етти юзга яқин фуқаросини қамраган, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Ибодулла Каримов. — Асосий сайловда уларнинг фаоллиги 88 фоизни ташкил этганди. Кўриб турганингиздек, фуқароларимиз такрорий овоз беришда ҳам иштиёқ билан қатнашаяпти.

Пойтахтимизнинг 10-Астробод сайлов округига қарашли сайлов участкаларида ҳам сайловчилар такрорий овоз беришда фаол қатнашдилар.

— Округимизда Юнусобод ҳамда Собир Раҳимов туманларидаги 110 минг 800 нафардан зиёд фуқаро рўйхатга олинган, — деди округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Равшан Жўраев. — Сайловчиларимиз, айниқса, "Ҳасанбой", генерал Ғафуров маҳаллалари фуқаролари жуда фаол.

Такрорий овоз бериш 11-Тўқимачи сайлов округида ҳам фаол ўтди.

— Такрорий овоз бериш жараёни фаол ўтаётганининг сабабларидан бири — мазкур масъулиятли жараёнга пухта ҳозирлик кўрилди, — дейди округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Абдусаттор Абдуғаффоров. — Таклифномалар овоз берувчиларга ўз вақтида тарқатилди. Сайлов учун барча жиҳозлар, кабиналар, қутилар тахт ҳолга келтирилди. 2004 йилнинг 27 декабридан 2005 йилнинг 9 январига қадар ўн саккиз ёшга тўлган янги сайловчилар рўйхатга олинди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига Қорақалпоғистон Республикасидаги уч округда такрорий овоз берилди. Айниқса, 118-Хўжайли сайлов округига қарашли 253-сайлов участкасида сайловчиларнинг фаоллиги эрта тонгданоқ сезилди.

— Бугун ўтказилаётган такрорий овоз бериш мамлакатимизда Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган демократикислоҳотлар самараларидандир, — дейди меҳнат фахрийси Искандар Оқжигитов. — Мустақиллик туфайли ўзимиз танлаган партиянинг дастурини қўллаб-қувватлашга, ўзимиз танлаган номзод учун овоз беришга, ҳатто қайта овоз бериш имконига эга бўлдик.

— Мамлакатимизда биз, ёшлар учун жуда кенг имкониятлар яратилаяпти, — дейди педагогика коллежи талабаси Серик Асқаров.

— Мен танлаган номзод мамлакатимиз парламентида қонунлар қабул қилишда фаол иштирок эта оладиган депутат бўлишини истайман. Шу мақсадда такрорий овоз бериш учун келдим.

— Кўриб турганингиздек, сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини эркин ва фаол намоён қилмоқда, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Едил Қубайдуллаев. — Буни участкамиз бўйича рўйхатга олинган 2 минг 680 нафар сайловчининг тенг ярми соат ўн иккига қадар овоз бериб бўлганидан ҳам билиш мумкин.

Ушбу муҳим сиёсий тадбир қайта овоз бериш зарур бўлган барча округларда ҳар жиҳатдан юксак савияда ўтди. Зеро, такрорий овоз бериш юртимизда сайловлар мавжуд қонунчилик асосида, очиқ ва демократик руҳда ўтганининг яна бир намойиши бўлди.

**(ЎзА).**

**Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.**

## ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича 2005 йил 9 январдаги такрорий овоз бериш натижаларига кўра, такрорий овоз бериш ўтказилган 58 сайлов округининг барчасидан депутатлар сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз беришнинг дастлабки натижаларига бағишланган матбуот конференциясида шу ҳақда маълум қилди.

Таъкидланганидек, барча тегишли сайлов округларида рўйхатга олинган 6 миллион 800 мингдан зиёд сайловчидан овоз беришда 5 миллион 400 минг нафардан ортиғи иштирок этди. Бу ушбу округларда рўйхатга олинган сайловчилар умумий сонининг қарийб 80 фоизини ташкил этади.

Овоз беришда Тошкент шаҳридаги олтита округда сайловчиларнинг 71,2 фоизи, Андижон вилоятидаги олтита округда — 82,9 фоизи, Бухоро вилоятидаги бир округда — 82,4 фоизи, Жиззах вилоятидаги бир округда — 80,9 фоизи, Навоий вилоятидаги учта округда — 76,6 фоизи, Наманган вилоятидаги тўртта округда — 84,6 фоизи, Самарқанд вилоятидаги еттита округда — 79,7 фоизи, Сирдарё вилоятидаги иккита округда — 81,4 фоизи, Сурхондарё вилоятидаги олтита округда 77,2 фоизи, Тошкент вилоятидаги еттита округда — 74,1 фоизи, Фарғона вилоятидаги тўққизта округда — 82,1 фоизи, Қашқадарё вилоятидаги учта округда — 82,5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикасидаги учта округда — 83,2 фоизи қатнашди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда такрорий овоз бериш ҳамма ерда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ўтганлигини қайд этди. Сайлов қонунчилиги бузилиши ҳақида мурожаат, шикоят ва аризалар тушмади. Фуқароларнинг сайлов масалалари юзасидан мурожаатларига ўз вақтида тушунтириш бериб борилди.

Такрорий овоз бериш натижалари ҳақидаги расмий маълумот қонунда белгиланган тартибда матбуотда эълон қилинади.

**(ЎзА).**

«Халқ сўзи» назоратида



### Техника мавсумга ўз вақтида тайёрланади

Газетамизнинг ўтган йил 20 ноябрь сонида "Ютуққа соя солмоқда" сарлавҳаси остида сурат-айблов берилган, унда Нарпай туманидаги айрим хўжаликларнинг машина-трактор паркларидаги нохуш ҳолатлар тасвирга туширилганди. Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Т.Худойназаров имзоси билан мазкур чиқиш юзасидан таҳририятга келган расмий жавобда таъкидланишича, мақола Нарпай тумани ҳокимлигида туманнинг барча хўжалик раҳбарлари, техника муҳандислари, машина-трактор парклари бошлиқлари, баҳорги экиш мавсумига техникаларни тайёрлашга алоқадор корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилган. "Бўстон" ширкат хўжалиги раҳбари О. Холмуродовга техникалар аҳволига етарли эътибор бермаганлиги кўрсатиб ўтилган. Хўжалик бош муҳандиси А.Эрмановга ҳайфсан эълон қилинган.

## Ўзбекистон Иқтисодий эркинлик индексида

"Наследие" ("Мерос") жамғармаси ва "Уолл стрит жорнэл" томонидан тайёрланган Иқтисодий эркинлик индексига биноан ўтган йил дунё янада эркинроқ бўлди, деб ёзилади "Вашингтон таймс" газетасининг шу йил 9 январь сонида.

Иқтисодий эркинлик индексини тайёрлашда, жумладан, солиқ солиш, монетар сиёсат, мулкка эга бўлишлик ҳуқуқи каби талаблар ҳисобга олинган. Ўтказилган таҳлил эркинлик ва иқтисодий тараққиёт ўртасидаги бевосита боғлиқликни намоён этди.

"Иқтисодий ноқобил ва репрессив ҳукуматлар жаҳондаги иқтисодий муаммоларнинг манбалари экани ўз тасдиғини топган, — деб ёзади "Вашингтон таймс". — Бизнинг фикримизча, зўравонлик ва самарасиз сиёсий тизимлар ҳукмрон мамлакатлар энг кўп иқтисодий муаммоларга дуч келаётгани ҳам тасодифий ҳол эмас".

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Болгария, Венгрия, Польша, Украина ва яна бир қатор давлатлар сафида "ўтган йили юқори тараққиётга эришган" ўнта давлат рўйхатига киритилди. Шу муносабат билан "Вашингтон таймс" ушбу гуруҳда трансформация босқичидан ўтаётган давлатлар борлигини қайд этиб, айнан иқтисодиётни эркинлаштириш бундай тараққиётга олиб келганини таъкидлайди.

**"Жаҳон" АА .**

***Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам 9 январь куни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 3 та сайлов округида такрорий овоз бериш тадбири бўлиб ўтди. Шу муносабат билан мухбиримиз такрорий овоз беришнинг натижалари тўғрисида 119-Чимбой сайлов округи раиси Қ. Хўжамжаров билан суҳбатлашди.***

## Фаоллик ифодаси

— Сайловчиларимиз эл-юртнинг ёруғ келажаги, халқимизнинг бахту саодати учун яна бир бор фаоллик кўрсатдилар. Округимиз бўйича 127284 нафар сайловчи рўйхатга киритилган бўлиб, 9 январь куни Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир, Кегайли туманларидаги 112 та сайлов участкасига жами 116051 нафар фуқаро келди. Демак, рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 91,17 фоизи тадбирда қатнашди. Сайлов ибтидосида округимиз бўйича 5 нафар номзод рўйхатга олинган эди. Такрорий овоз бериш учун сайлов бюллетенига улар ичида энг кўп овоз билан номзодлар — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университети ўқитувчилари Гулистон Даулетова ва Жамила Ниёзовалар киритилди. Сайловчилар ўзлари танлаган номзод учун овоз беришди.

Бу галги такрорий овоз бериш жараёнида биринчи навбатда халқнинг, қолаверса, сиёсий партияларнинг фаоллиги кузатилди. Шунингдек, аёлларнинг фаоллиги ҳам овоз бериш тадбирида яна бир карра сезилди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Сарҳисоб*

***Деҳқончиликда шундай бир кўрсаткич борки, қишлоқ хўжалиги мутахассиси ҳам, бошқа соҳа одами ҳам, аввало, ўша натижани билгач, ҳақиқий аҳвол ҳақида унча-мунча тасаввурга эга бўлади. Гап ҳар гектар майдондан олинган ҳосил ҳақида кетяпти. Бу бир сўз билан «ҳосилдорлик» деб аталади.***

***Келинг, бугунги кунда мазкур кўрсаткич пахтачиликда қандай ҳолатда эканлиги ҳақида фикрлашайлик.***

## ҲОСИЛДОРЛИК СИЗДА ҚАНЧА?

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 2004 йил якунлари бўйича мамлакатимизда чигит экилган 1 миллион 455,6 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 24,3 центнердан хомашё йиғиштириб олинган. Тупроқ унумдорлиги, сув билан таъминланиш даражаси бир-биридан кескин фарқланувчи далаларимизни назарда тутадиган бўлсак, бу натижа нисбатан дуруст эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистонда охирги марта 24,1 центнерлик кўрсаткич 1997 йилда қўлга киритилган экан.

Пахтачиликка интенсив технологияларни жорий этаётган минтақаларда бундан ҳам юқори марралар эгалланди. Чунончи, Бухоро вилоятида 126,2 минг гектар майдоннинг ҳар гектари 30,3 центнердан ҳосил берди. Андижон вилоятида бу рақам 29,2, Навоий вилоятида 29,1 центнерни ташкил этди. Вилоятлар ўртасидаги карвоннинг энг охирида судралган Сирдарё вилоятида ҳосилдорлик 16 центнер бўлди. Бир қарашда ирригация-мелиорация ишлари мураккаб саналган Сирдарёда қолоқлик одатий ҳолдай туюлиши мумкин. Аслида ундай эмас, 1992, 1995 йилларда ҳосилдорлик 20 центнердан юқори бўлган, режа 102,7 фоиз бажарилган, 1991 йилда эса 23,5 центнерлик натижага эришилган.

Қизиқ, ерни ҳайдашдан ҳосилни топширишгача бўлган ташвишлар, харажатлар ҳосилдорлик қанча бўлганда қопланар экан? Рентабелликка эришиш учун гектар самарадорлиги қайси поғонага чиқиши керак? Агар Сирдарё вилояти бўйича ҳар гектар ердан 16 центнер (2003 йилда 12,9)дан пахта олинган бўлса, туман, ширкат ва фермер хўжаликларида аҳвол нима кечди? Умуман, ҳосилдорлик кўрсаткичини тилга олишга хижолат бўладиган туманларда деҳқонга ҳақ тўлаш, бюджет қарзини узиш, қарияларни пенсия билан таъминлаш, мактабларни сақлаш қандай кечяпти? Қачон «Давлатимиз омон бўлсин» деган боқимандалик кайфиятидан қутуламиз? Ҳолбуки, 2004 йилги шароитда ҳам Сирдарё вилоятида юқори ҳосилдорликка эришган фермер ва пудратчилар кам эмасди.

Дунё мамлакатларида ҳар бир фермер фалонта аҳолини боқади, деган кўрсаткич бор. Агар биз шу мезон асосида ҳисоб-китоб юритсак, қандай ҳолга тушамиз? Афсус, кўплаб ҳисоботларда фойда эмас, зарар кўрилганлиги қайд этилмоқда.

Дангалини айтадиган бўлсак, ҳосилдорлик даражаси паст-баландлиги кўпроқ минтақа шароитига эмас, балки ер билан қандай муносабатда бўлишга боғлиқ. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида «Матлуботчи» фермер хўжалиги (раҳбари Қўлдош Нормуродов) 2004 йилда 161 гектар ерда деҳқончилик қилди. Пахта ҳосилдорлиги 10 центнер (вилоятда 26,6)ни ташкил этди. Нима, ер ёмонми? Йўқ. Шеробод тумани 61 минг тонналик хирмон кўтарганда шу далалардан 30 центнергача ҳосил олинган. Оз эмас, кўп эмас, 161 гектар майдонни эгаллаган жамоа бутун Шерободда фермерлик ҳаракатининг обрўйини ерга уряпти-ку?! Лоақал улар ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта етиштирган Нуриддин Муродов номли ширкат хўжалигидаги бош пудратчи Муҳаммад Абдуллаев, ҳосилдорликни 29 центнерга етказган Исо Термизий номли ширкат хўжалиги деҳқонлари олдида уялишса бўларди.

Муаммонинг туб илдизига назар ташласак, судралиш сабаблари кетма-кет чиқаверади. Ҳосилдорликни кечириб бўлмас даражада пастга тушириб юборган жойларда нафақат ерни, ҳатто халқни ҳам алдаш ҳоллари рўй бермоқда. Яъни қоғозда ғўза, амалда бошқа экин ўстирилади. Нега кўрсаткич паст десангиз, ерга қараб тураверишади.

Ҳосилдорликни оширишнинг яна бир омили ишловчининг моддий манфаатдорлигини таъминлашга ҳам боғлиқдир. 2004 йилда Қашқадарё вилоятида пахтадан баракали хирмон кўтарилди. «Агар бир иш бўлмаганида янаям юқори натижага эришардик, — дейди кўпни кўрган деҳқонлардан бири. — 10 октябрдан сўнг теримчиларга ҳақ тўланмаганлиги учун кўп жойда пахталар қолиб кетди». Катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосил терилмай қолганлиги ҳақида шунчалик хотиржам гапириш мумкинми? Далада қолиб кетган ҳосилнинг уволи вақтида пул етказиб бермаган банк ходимларига ҳам дахлдор эканлигини улар ўйлаб кўрармикан?!

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи.**

*Долзарб мавзу*

## ГАЗ НЕГА ПАСТ?

***Мамлакатимиз жануби-ғарбидаги конлардан бошланиб марказга ва Фарғона водийсига қазилган газ қувурлари Самарқанд вилоятининг бир нечта туманлари ҳудудидан ўтади. Лекин кейинги пайтларда айнан шу туманларда газ таъминотида узилишлар сезилмоқда. Нега? Самарқанд вилоятига сафаримиздан мақсад шу саволга жавоб излаш, тақчиллик сабабларини ўрганиш эди.***

Сафаримизни одатдагидан сал бошқачароқ бошладик. Аввал жойлардаги ҳолат билан танишиб, кейин масъул идоралар раҳбарлари фикрини билмоқчи бўлдик. Шу мақсадда "Народное слово" газетасининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири Рустам Бобомуродов билан вилоятдаги қишлоқларни айланиб чиқишга қарор қилдик. Нарпай тумани "Самарқанд" ширкат хўжалиги идорасига кириб борганимизда кеч кириб қолган бўлса-да хона чироғи ҳали ёнмаган эди. Чунки идора жойлашган Беклар қишлоғига бир кунда уч-тўрт соат электр энергияси берилар экан. Бурчакдаги печкада милтиллаб газ ёниб турибди. Ичкарида уч-тўрт киши ўз иши билан банд. Улардан бири ўзини Очил Муродов деб таништирди.

— Қишлоққа газ келганига уч кун бўлди,—деди у. — Ўтган йилнинг декабридан буён кутамиз уни. Ўзим фермерман. Режа бўйича 12 тонна 600 килограмм пахта сотишим керак эди. Режани 15 тонна 140 килограмм қилиб уддаладим. Ғалладан ҳам юқори ҳосил олдим. Йил бўйи ишласанг, режаларни бажарсангу қишда газ, электр бўлмаса. Бу ерга газ келди, лекин қўшни қишлоқлар — Қўрғонча, Паст Қўрғонча, Туёқлида шу ҳам йўқ.

Кейинги манзилимиз туманнинг "Ҳақиқат" хўжалиги бўлди. Катта йўл ёқасидаги бир уй дарвозасини тақиллатдик. Хонадон соҳибасидан газ бор-йўқлигини сўрадик.

— Кеча паст босимда газ келганди, ҳозир ўчай-ўчай деб турибди, —деди у.—Бир пайтлар ҳавас билан уйларимизга батареялар ўрнатгандик. Энди батареяларни бузиб сотиб, пулига ўтин олаяпмиз. Қишлоқда ҳамма шундай қилаяпти. Чунки газ охирги марта 2003 йилнинг декабрь ойида келганди. Шундан кейин бутунлай ўчди. Газ бўлмаса-да, пулини талаб қилишаяпти. Шунинг учун газ қувурларини уздириб ташладик.

Қишлоқ оралаб одамларнинг уйларини айландик. Онахон тўғри гапирган экан. Кўплаб одамлар уйларига ўрнатган батареяларни бузиб сотиб юборибди.

"Ҳақиқат" хўжалиги идорасида бош ҳисобчини учратдик. Унинг гапига қараганда, хўжалик 1996 йилдан буён мунтазам пахта ва ғалла сотиш бўйича давлат буюртмаларини бажариб келади. Лекин аҳоли газдан қарздор. Шунинг учун етарлича газ ололмаяпти.

(Давоми 3-бетда).

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бу йил Қарши (Насаф) шаҳрининг 2700 йиллиги кенг кўламда нишонланади. Азалдан илм-фан ва маданиятнинг йирик марказларидан бири бўлган бу шаҳардан кўплаб буюк олиму алломалар, донишманду мутафаккирлар етишиб чиқиб, дунё миқёсида шуҳрат қозонганлар. Мана шундай буюк олимлардан бири Абул Баракот ан-Насафийдир.***

# НАСАФЛИК АЛЛОМАИ ДУНЁ

Унинг тўлиқ исми-шарифи Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Абул Баракот ан-Насафий бўлиб, у ўз даврининг беназир фақиҳи, усул ва ҳадис илмларида етук олим, Қуръони каримга қимматли тафсир битган буюк муфассир сифатида тарих саҳифаларидан ўрин олган. Ислом динининг софлиги йўлида қилган беқиёс хизматлари туфайли уни «Ҳофизуддин» (Динни ҳимоя қилувчи) деган ғоятда юксак лақаб билан атаганлар. Ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот берилган ёзма манбаларда, афсуски, унинг таваллуд йили ҳақида аниқ бир сана кўрсатилмаган. Шу билан бирга, баъзи замонавий асарларда, жумладан, олим Муҳаммад Шафиқ Ғирболнинг қаламига мансуб «Ал-Мавсуъат ал-арабия ал-муяссара» номли қомусий тарздаги асарда олимнинг туғилган йили милодий 1232 йил деб кўрсатилган. Аммо вафот этган санаси ҳақида деярли барча манбаларда ҳижрий 710 (милодий 1310) йили унинг ёши улғайганига қарамасдан илмий мақсадларда Бағдодга келгани ва кўп ўтмай соғлиғи ёмонлашиб, шу шаҳарда вафот этгани ҳамда Хузистон ва Исфаҳон ўртасидаги Ийзаж деган шаҳарчада дафн этилгани зикр қилинган.

Араб ва форс тилларини мукаммал эгаллаган Абул Баракот ғоятда тараққий қилган илмий ва диний бир муҳитда ўсиб улғайди. Ёшлигидан бошлаб ўз даврининг таниқли олимларидан диний ва дунёвий илмлардан таҳсил олади. Унинг устозлари кўп бўлса-да, манбаларда улардан учтаси, яъни Шамсул аиммати (Улуғ олимлар қуёши) номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Абдусаттор ибн Муҳаммад ал-Кардарий, Али ибн Муҳаммад ибн Али ар-Ромиший Ҳамидуддин аз-Зарир ва Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдулкарим Бадруддин Хавоҳирзода ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган. Тафсир, фиқҳ, ҳадис ва усул илмлари бўйича ўз даврининг йирик алломаси даражасига кўтарилган олимнинг шогирдлари ҳам кўп бўлганлигини айтиб ўтиш лозимдир.

Ан-Насафийнинг фиқҳий ва эътиқодий тутган йўли ҳақида гапирсак, у устози Шамс ул-аимма ул-Кардарий йўлини тутиб, имоми Аъзам Абу Ҳанифа таълимотларини собитқадамлик билан давом эттиради. Бу хусусда фиқҳ масалаларига бағишланган асарлари, хусусан, ҳанафий мазҳаби фиқҳини акс эттирган «Канз уд-дақоиқ» («Нозик масалалар хазинаси») асари ёрқин мисол бўла олади. Бу бебаҳо асар ислом қонуншунослиги асосларини ҳамда мусулмон оламининг кўп минтақаларида кенг тарқалган ҳанафия ва шофиъия мазҳабларининг ўзига хос жиҳатларини теран шарҳлайдиган муҳим манба сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Фиқҳий масалаларга доир қимматли манба сифатида араб тилида битилган бу асар кейинчалик Насруллоҳ ибн Муҳаммад ибн Жаммод ал-Кирмоний томонидан форс тилига, Аҳлуллоҳ ибн шайх Абдураҳим томонидан эса урду тилига таржима қилинган. Асарга ўндан ортиқ шарҳлар ҳам битилган. «Канз уд-дақоиқ» ва унга ёзилган шарҳларнинг бир қанча қўлёзма нусхалари Тошкентда, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланади.


Боқий қадрият

Унинг қаламига мансуб яна бир мўътабар асар ҳақида батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, энг аввало, Қуръони каримга бағишланган «Мадорик ут-танзил ва ҳақоиқ ут-таъвил» («Қуръон идроки ва таъвил ҳақиқати») номли тафсирини айтиш керак. Муаллифнинг «Мадорик»да баён қилган фикр-мулоҳазалари ҳам илмий-маънавий меросида ҳанафия мазҳаби қанчалик юксак ўрин эгаллаганлигини кўрсатади. Эътиқодий, яъни ақидавий масалалардаги қарашлари алломанинг буюк мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридий (870-944) тутган ақидавий йўлга қатъий амал қилганлигини кўрсатади. «Тафсир ан-Насафий» номи билан ҳам машҳур бўлган бу тафсир мадрасаю дорулфунунларда тафсирий дарслик сифатида кенг қўлланилган ва ҳозирги вақтда ҳам Қуръони каримга бағишланган асосий тафсирлардан бири сифатида эътироф этилади. Бир қанча қўлёзма нусхалари турли шаҳарларда сақланади. Асар охирги марта 1999 йили Ливаннинг пойтахти Байрутда «Дор ибн Касир» матбаасида уч жилдлик тарзида нашр этилган. Бу нашрни амалга оширган араб олимлари Юсуф Али Бадявий ва Муҳийиддин Диб Мастунинг ёзишларича, ан-Насафий ушбу тафсирни ёзишда хоразмлик буюк аллома Маҳмуд ал-Замахшарий (1075-1144) нинг «Ал-Кашшоф» номли машҳур тафсиридан ҳам унумли фойдаланган. У аз-Замахшарийнинг муътазилийликка хос қарашларини четлаган ҳолда унинг илмий, айниқса, балоғат илмига оид жиҳатларидан самарали фойдаланган. Шунингдек, ўз тафсирида Қози ал-Байзовийнинг «Анвор ут-танзил ва асрор ут-таъвил» номли тафсирига ҳам таянганлиги сезилади.

Ан-Насафий ўз замонасининг машҳур алломаси сифатида эътироф этилиб, бой ва қимматли илмий-маънавий мероси бутун Мағрибу Машриқда кенг тарқалган. Беназир илмий иқтидори ва салоҳиятини тан олган кўпгина таниқли олимлар у ҳақда юксак баҳо берганлар. Жумладан, «Ал-Фавоид ал-баҳия фи таrожум ал-ҳанафия» номли асарнинг муаллифи, таниқли олим Муҳаммад Абдулҳай ал-Лакнавий: «Абул Баракот ан-Насафий ўз даврининг беназир алломаси сифатида фиқҳ ва усул илмларида ғоятда сарбаланд, ҳадис ва унинг маъноларини тушунишда барчадан устун бўлган», — деб ёзган бўлса, XV асрнинг биринчи ярмида фаолият кўрсатган машҳур араб тарихчиси Ибн Ҳажар ал-Асқалоний уни «Алломаи ад-дунё» («Бутун дунёнинг алломаси») деган ғоятда фахрли лақаб билан улуғлаган.

**Убайдулла УВАТОВ,**
**Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси мудири, тарих фанлари доктори.**

# Спорт

## Рекорд янгиланди

Хивада пауэрлифтинг бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги якунланди.

Унда вилоятлардан келган 170 нафар спортчи ғолиблик учун баҳс юритди. Мусобақада Тошкент шаҳри вакиллари Темур Ҳакимжонов 242,5 килограмм, Рустам Нураев 295 килограмм, Анна Васина 130 килограмм натижага эришиб, ўз вазн тоифаларида Ўзбекистон рекордини янгиладилар. Умумжамоа ҳисобида ўғил болалар ўртасида Тошкент шаҳри жамоаси биринчи, Навоий ва Тошкент вилоятлари спортчилари иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритдилар. Қизлар ўртасидаги мусобақада эса Андижон вилояти вакилларига тенг келадигани топилмади. Тошкент шаҳри ва Навоий вилояти жамоалари кейинги совринли ўринларни эгаллашди.

## Мавсумга тайёргарлик

Яна бир неча ойдан сўнг футбол бўйича мамлакатнинг 14-чемпионатига старт берилади. Ҳозир миллий чемпионатимиздаги барча жамоалар янги мавсумга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Жумладан, ўтган йили "Нефтчи" шарафини ҳимоя қилган дарвозабон Георгий Забиров ва ҳимоячи Равшан Маталиевлар янги мавсумда Наманганнинг "Навбаҳор" жамоасига таклиф этилди. Бундан ташқари, ўтган мавсумда "Қизилқум"да ўйнаган собиқ «Навбаҳор»чилар Маъруф Пўлатов ва Рустам Қурбонбоев яна собиқ жамоалари таркибига қўшилишди.

Зарафшоннинг "Қизилқум" жамоаси таркибида ҳам дарвозабон муаммоси пайдо бўлди. Жамоанинг асосий дарвозабони 42 ёшли Борис Белошапка футболдаги фаолиятини якунлашга қарор қилди.

Яқинда бош мураббий этиб тайинланган Игорь Шквирин жамоага "Ҳазорасп"дан Зафар Раҳматов ва "Пахтакор"дан Юрий Цойларни таклиф қилган.

Олий лиганинг янги жамоаси "Тўполанг" илк ўқув-йиғин машғулотларини 14 январь куни Самарқандда бошлайди. Шанба куни бўлиб ўтган йиғилишда жамоа ўйинчиларининг асосий қисми ўз шартномаларини яна узайтиришга қарор қилишди. Фақат, ярим ҳимоячи Станислав Моргулис ва Андрей Васнёвлар жамоани тарк этган.

## "Қишки таътил" ғолиблари

Пойтахтимизда самбо кураши бўйича ёшлар ўртасида йилнинг биринчи — "Қишки таътил" мусобақаси бўлиб ўтди.

Етти йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур мусобақада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган 400 нафарга яқин спортчилар иштирок этди.

Беллашувда умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри полвонлари фахрли биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Бухоро ва Самарқанд вилоятлари полвонларига насиб этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**



*Гулистон шаҳрининг учинчи мавзесида фаолият кўрсатаётган «Белла» гўзаллик салонини кўпчилик яхши билади. Негаки, бу ерда ўз ишининг фидойилари меҳнат қилишади-да. Сиз суратда кўриб турган Нодира Раззоқова ҳам бу ерда «Элита» пардалари устаси сифатида ном қозонган.*

**Муҳаммад КАРИМ (ЎзА) олган сурат.**

## *Буйрак тоши... жарроҳликсиз*

Наманган вилоят урология марказига ўрнатилган замонавий аппарат ёрдамида буйракдаги тошларни тиғсиз, тезкор усулда олиб ташлаш бўйича амалиёт ўтказилди. Шу мақсад учун мўлжалланган замонавий «Литотриктор» ускунасидан маҳаллий шифокорлар маҳорат билан фойдаланишмоқда.

Сиҳат-саломатлик йилининг илк кунларида рўёбга чиққан бу хайрли иш тармоқдаги ислоҳотларни жадаллаштириш борасида навбатдаги қадам бўлди. Янги тиббий ускунани ўрнатиш ва ишга тушириш учун вилоят ҳокимлиги маҳаллий бюджетдан икки юз миллион сўм ажратиб берди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИЖОДКОР ҲАРБИЙЛАР КЎРГАЗМАСИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Х.САЛИМОВ).***

Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марказий музейининг кўргазмалар залида "Ўзбекистон — Ватаним маним" мавзуида навбатдаги умумармия бадиий ижодиёти кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилаётган ушбу кўргазмада ижодкор ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари яратган юздан ортиқ тасвирий ва халқ амалий санъати намуналари намойиш этилмоқда.

Таъкидламоқ лозимки, мазкур анъанавий кўргазма қатнашчиларининг сони, тақдим этилаётган асарлар хилма-хиллиги ва савияси йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу эса ҳарбийларимиз орасида истеъдод эгалари кўп эканидан далолатдир.

Кўргазмадан ўрин олган асарларда Ватанимизнинг гўзал табиати, тарихи, миллий қадриятларимиз, ўзбек ҳунармандчилигининг бетакрор анъаналари ўз аксини топган.

Айниқса, кичик сержант Ҳабибжон Мамажонов, капитан Иқбол Илҳомовнинг рангтасвир асарлари, Алишер Юсупов ва капитан Фурқат Эргашев ясаган кулолчилик ва ўймакорлик буюмлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.


ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Андижон давлат университетининг 1500 ўқувчи ўринга мўлжалланган ўқув-лаборатория биноси қурилиши (1-навбати).

*Ўқув биноси қурилиши 2005 йили бошланиб, кейинги йиллар давомида қуриб битказилади (йилдан-йилга ўтади). Иншоот қурилиши «тўлиқ қуриб битказиш» (под ключ) шарти билан амалга оширилади. Буюртмачи — Андижон Давлат университети (Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй, тел.: 25-05-09, 22-18-63). Қурилиш ишларини молиялаштириш Андижон Давлат университетининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-«А» уй. Тел./факс: 24-72-79.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.*



ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ. STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK. BANK

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН



ҲИНДИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ЭКСПОРТЧИ-ИМПОРТЧИЛАРИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ УЧРАШУВИ

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ишбилармонларининг тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишлари ўзаро ҳамкорлик қилишларининг ривожланишига ёрдам беради.

Бугун 2005 йил 11 январь куни

«Интерконтиненталь» меҳмонхонасида 75 та экспортчи-импортчидан иборат бўлган Ҳиндистон делегацияси билан учрашув бўлиб ўтади.

Мазкур экспортчи-импортчилар 15 та йирик савдо-саноат палаталари — кенгашлар, ташкилотлар ва компаниялар аъзолари бўлиб, иқтисодиётнинг турли хил соҳалари товар ва маҳсулотларини намойиш этадилар.

1. Кимёвий воситалар ва улар билан боғлиқ бўлган маҳсулотлар.
2. Дори-дармон маҳсулотлари.
3. Косметика, парфюмерия ва терини парваришлаш воситалари.
4. Тўқимачилик маҳсулотлари.
5. Пардоз-андоз буюмлари ва ҳавони мусаффо қилиш воситалари.
6. Ҳунармандчилик маҳсулотлари.
7. Автомобиллар ва автошиналар.
8. Қурилиш моллари — мармар, гранит.
9. Қурилиш ускуналари.
10. Электроника ва компьютерлар учун дастурлар тайёрлаш.
11. Резинадан ишланган муҳандислик маҳсулотлари.
12. Ахборот технологиялари.
13. Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш.
14. Нашр (босма) қилинган маҳсулотлар.

*Учрашув бошланиши — соат 8.45 да.*
*Учрашув тугаши — соат 17.00 да.*

Учрашув барча қатнашчиларини қутлаб, мазкур анжуман Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий муносабатларни янада ривожланишига ҳисса қўшишидан мамнунмиз!



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

QBS Mix Market

ОФИС МЕБЕЛИ САЛОНИ

15 ХИЛДАН ОРТИҚ КАБИНЕТ МЕБЕЛЛАРИ
2,5м.дан 7м.гача БЎЛГАН КОНФЕРЕНЦ-СТОЛЛИ
ТУРЛИ ХИЛ ШКАФЛАР ТЎПЛАМИ
КОНФЕРЕНЦ- КРЕСЛОЛАР
ТЕАТР КРЕСЛОЛАРИ
ОФИС ТЎСИҚЛАРИ
ЧАРМ КРЕСЛОЛАР
ЮМШОҚ МЕБЕЛЬ

Кабинет тўплами - FM 06 - 2 000 000 (3.8т) сўм.



2005 йил тўпламидан янги намуналар!

Бизнинг манзил:
А. Темур-Эргашев кўчаси, 2-уй (мўлжал - "Қозоғистон" кинотеатри, Юнусобод тумани солиқ инспекцияси қаршисида).
Тел. 135-74-47, тел./факс 135-41-59. E-mail: qbs@sarkor.com, www.mixmarket.uz


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.А.Кочмарикка онаси

**Антонина Михайловна КОЧМАРИКнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси институт ўқитувчиси Рашид Маматқуловга отаси

**Позилбек МАМАТҚУЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Олий хўжалик суди 1-судлов таркиб раиси, судья Азамат Дўстбобоевга укаси

**Анвар ДЎСТБОБОЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Болалар юқумли касалликлари кафедрасининг доценти Малика Даминовага волидаи муҳтарамаси

**ҚУТБИ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 063. 30475 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Х. Эшманов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.05 1 2 3 4 5